

Мусулмон аёлларни калтаклаган исломофоб судга келмади



13:30 / 20.08.2021 2366

Канадада судья суд мажлисига айбланувчи сифатида келмаган исломофобни ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

41 ёшли Ричард Бредли Стивенс Эдмонтонда ҳижобли муслима аёл ва унинг қизи ўтирган машинага яқинлашган ва бақир-чақир билан йўловчи ўриндиғининг ойнасини мушт билан урган. Улардан бири машинадан тушганида, эркак уни уриб, ерга улоқтирган, кейин ёрдамга келган бошқа аёлни ҳам калтаклаган.

Гувоҳ бўлиб турган одамнинг аралашуви оқибатида муслима аёлларнинг калтакланиши олди олиниб, уларга ёрдам берилган. Сўнгра хужум пайтида Стивенс сомалилик аёлларга исломофобия ва ирқчилик ҳақоратлари билан бақирган.

«[Global News](#)»га асосланиб, «**Islam News**»нинг хабар беришича, айблов хулосасидан сўнг, Стивенс қўйиб юборилган ва суд мажлисига келиши айtilган. Бироқ у келмаган. Судья томонидан исломофоб қидирувга берилганлар рўйхатига киритилган ва бу сафар ҳибсга олинса, у тергов изоляторига жойлаштирилиши маълум қилинган.